

Ўзбекистон Республикасида истеъмол нархлари индекси (ИНИ)

2026 йил июнь ойи

Маълумотлар жадвалларига ҳаволалар:

МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича истеъмол нархлари индекси


Ўзбекистон Республикаси бўйича барча товар ва хизматлар нархлари индекси, ўтган ойга нисбатан

- I. Ўзбекистон бўйича йиғма ИНИ
- II. Ҳудудлар кесимида йиғма ИНИ
- III. Ўзбекистон бўйича асосий гуруҳлардаги ИНИ
- IV. Йиғма ИНИ ўзгаришига МИИТ – 2018 бўлимларининг таъсир тузилмаси
- V. Геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ (таҳлилий мақсадлар учун)
- VI. Услубий маълумотлар
- VII. Фойдали ҳаволалар

I. Ўзбекистон бўйича йиғма ИНИ

2026 йил июнь ойида йиғма ИНИнинг жорий ой учун кўрсаткичи **100,6 %** (2025 йил июнь ойида **99,8 %**)ни, 2025 йилнинг декабрига нисбатан **103,3 %** (2025 йил июнь ойида **104,2 %**)ни, йиллик нисбатда **106,4 %** (2025 йил июнь ойида **108,7 %**)ни ташкил этди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг ўзгаришини ҳисобга олмаганда, йиғма ИНИ ой давомида **101,5 %** (2025 йил июнь ойида **100,5 %**)ни, 2026 йилнинг январь-июнь ойларида **104,2 %** (2025 йил январь-июнь ойларида **105,2 %**)ни ташкил этди. Йиллик ҳисобда эса бу кўрсаткич **106,9 %** (2025 йил июнь ойида **110,3 %**)га тенг бўлди.



Қуйида 2026 йил июнь ойида МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича асосий товар ва хизматлар нархларининг ўзгариши келтирилган:

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар бўлими

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари орасида бир ойда нархлар қуйидаги турлар бўйича ошгани қайд этилди: гуруч ва гуруч оқшоғи – **2,3 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **-11,9 %**), гречка – **1,2 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+6,0 %**), пастеризация қилинган сут – **1,2 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+6,2 %**), шакар – **1,0 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+1,5 %**), қўй гўшти – **1,0 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+23,1 %**), суяксиз мол гўшти – **1,0 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+20,6 %**), тухум – **0,8 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+16,2 %**), шунингдек, тирик ва совутилган балиқ нархларининг ўртача **0,7 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+7,6 %**) ўсиши кузатилди.

Мавсумий омил мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг ўзгаришига таъсир кўрсатди. Бир ой давомида асосий мева-сабзавот маҳсулотларидан бақлажон – **46,6 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **-19,7 %**), помидор – **38,3 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **-4,3 %**), булғор қалампири – **31,4 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+12,8 %**), бодиринг – **25,0 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+53,8 %**), узум – **18,7 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **-3,1 %**), тарвуз – **26,3 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **-20,8 %**), картошка – **12,8 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+6,2 %**), саримсоқпиез – **13,5 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **-24,6 %**), карам – **5,6 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан

+24,0 %), банан — **5,9 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+6,9 %**) ва кўкатлар нархлари — **4,4 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+3,1 %**) арзонлашди. Сабзи — **6,5 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **-25,0 %**) ва пиёз нархлари — **3,6 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **-19,3 %**) қимматлашди.

Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари бўлими

Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб, аҳоли учун электр энергияси ва тармоқ газига янгиланган тарифлар жорий этилди. Республика бўйича ўртача ҳисобда электр энергияси **9,6 %**га (умумий улуши **2,3 %**, ойлик ИНИ ўсишига қўшган ҳиссаси **+0,22 ф.д.**), тармоқ газига **10,7 %**га (умумий улуши **1,5 %**, ҳиссаси **+0,16 ф.д.**) қимматлашди.

Маълумот учун: электр энергияси ва тармоқ газига учун ИНИни ҳисоблашда уларнинг истеъмол қилиш таркиби белгиланган меъёрлар асосида ҳисобга олинган. ХВЖнинг «Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: концепция ва услубият» (2020) ҳамда миллий услубий тавсияларга мувофиқ, ҳар бир тоифанинг истеъмолдаги улушидан келиб чиқиб, тарифлар ўзгаришининг ўртача қиймати ҳисобланди.

Электр энергияси бўйича ўртача нарх ўзгаришини ҳисоблашда асос сифатида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигидан олинган 6 та тоифа бўйича 2025 йил учун ўртача йиллик абонентлар сони ва энергия истеъмоли ҳажми маълумотларидан фойдаланилди.

200 кВт-соатгача бўлган истеъмол тарифи **8,3 %**га, 201 кВт-соатдан 500 кВт-соатгача — **12,5 %**га, 501 кВт-соатдан 1 000 кВт-соатгача — **10,0 %**га, 1 001 кВт-соатдан 5 000 кВт-соатгача — **6,7 %**га, 5 001 кВт-соатдан 10 000 кВт-соатгача — **8,6 %**га, 10 000 кВт-соатдан юқори истеъмол учун эса **10,0 %**га оширилди.

Тармоқ газига бўйича ўртача нарх ўзгаришини ҳисоблашда асос сифатида “Hududgazta’minot” АЖ томонидан тақдим этилган 2025 йил учун ҳар бир истеъмолчи тоифаси бўйича ўртача йиллик газ истеъмоли ҳажми ва абонентлар сони маълумотларидан фойдаланилди. Шу билан бирга, иссиқ даврда 100 м³ гача (совуқ даврда 500 м³ гача) газ истеъмоли учун тариф — **10,0 %**га, иссиқ даврда 101 м³ дан (совуқ даврда 501 м³) 2 500 м³ гача — **11,1 %**га, 2 501 м³ дан 5 000 м³ гача — **9,5 %**га, 5 001 м³ дан 10 000 м³ гача — **8,0 %**га, 10 000 м³ дан юқориси — **10,0 %**га ошди.

Илгари аҳолига тартибга солинадиган нархларда сотиладиган кўмир нархи **2,1** баробар ошди. Бу ой давомида йиғма ИНИнинг **0,48 ф.д.**га ўсишига сабаб бўлди.

Маълумот учун: 2026 йил июнь ойидан бошлаб кўмир ижтимоий аҳамиятга эга товарларнинг стратегик турлари рўйхатидан чиқарилди ва унинг нархларини давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинди.

Жиззах вилоятида маиший чиқиндиларни олиб кетиш учун тўловлар оширилди. Республика бўйича ушбу хизмат тури ўртача **1,8 %**га (2025 йил июнига нисбатан **+29,2 %**) қимматлашди.

Транспорт бўлими

Ой давомида бензин учун ўртача истеъмол нархлари даражаси **3,9 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+16,7 %**) ошди. Бунда, 2026 йил июнь ойида бензиннинг АИ-92 маркаси — **3,6 %**га, АИ-95 маркаси — **6,0 %**га, АИ-98 ва АИ-100 маркалари эса — **3,9 %**га қимматлашди. Пропаннинг нархи ой давомида **11,3 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+41,1 %**) қимматлашди, 1 литр учун юқори нарх чегараси **7 800** сўмни ташкил этди. 2026 йил июнь ойида метан нархи **8,8 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+10,1 %**) ошди.

Маълумот учун: тасдиқланган методологияга мувофиқ, автомобиллар учун бензин ва газ ёқилғисининг нархларини ҳисоблашда солиқ органларининг маълумотлар базасидан 1 июндан 25 июнгача бўлган давр учун олинган маълумотлар қўлланилди. Бензиннинг ўртача нархини аниқлашда 777 та объект бўйича 29 479 та, пропан нархини аниқлашда 396 та объект бўйича 9 190 та, метан нархини аниқлашда эса 527 та объект бўйича 13 470 та нарх котировкаларидан фойдаланилди.

Йўловчи ташиш транспорти хизматлари орасида ой давомида такси хизматида нарх ва тарифлар **1,3 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+6,2 %**) ўсиши қайд этилди. Темир йўл транспортида йўл ҳақи, аксинча, ой давомида **0,3 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **+7,8 %**), авиақатновларда эса **0,6 %**га (2025 йил июнь ойига нисбатан **-7,8 %**)

арзонлашди. Бунга миллий валютанинг евро ва Швейцария франкига нисбатан курси, шунингдек, бир қатор йўналишлар бўйича ёқилғи йиғимлари миқдорининг ўзгариши таъсир кўрсатди.

МИИТ – 2018 нинг бошқа бўлимларида ой давомида нархлар ўзгариши сезиларли таъсир кўрсатмади.

2026 йилнинг июнь ойида МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича ИНИ, %да

Бўлим номи		2026 йилнинг майига нисбатан	2025 йилнинг декабрига нисбатан	2025 йилнинг июнига нисбатан
I.	Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	98,5	102,3	106,2
II.	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	100,4	103,6	106,1
III.	Кийимлар ва пойабзаллар	100,2	101,5	103,0
IV.	Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	107,8	109,6	113,4
V.	Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	100,2	101,8	102,6
VI.	Соғлиқни сақлаш	100,2	102,1	103,6
VII.	Транспорт	102,4	103,9	106,8
VIII.	Ахборот ва алоқа	100,3	101,6	105,1
IX.	Дам олиш, спорт ва маданият	100,3	101,9	104,4
X.	Таълим соҳасидаги хизматлар	100,0	100,4	101,6
XI.	Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	100,5	104,6	107,8
XII.	Суғурталаш ва молиявий хизматлар	100,8	143,6	144,0
XIII.	Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	100,4	103,9	107,3

II. Ҳудудлар кесимида йиғма ИНИ

Ҳудудлар кесимида қисқа муддатли ва йиллик ИНИ бўйича ўртача республика кўрсаткичидан кескин фарқ қайд этилмади.

2026 йилнинг июнь ойида ҳудудлар бўйича ИНИ, %да

Ҳудудлар	2026 йилнинг майига нисбатан	2025 йилнинг декабрига нисбатан	2025 йилнинг июнига нисбатан
Қорақалпоғистон Республикаси	100,6	103,2	106,2
вилоятлар:			
Андижон	100,6	103,3	106,6
Бухоро	100,7	103,2	106,5
Жиззах	100,7	103,4	106,4
Қашқадарё	100,5	103,6	106,7
Навоий	100,5	103,4	106,4
Наманган	100,6	103,3	106,5
Самарқанд	100,7	103,6	106,8
Сурхондарё	100,6	103,1	105,7
Сирдарё	100,3	102,7	106,4
Тошкент	100,5	103,3	106,4
Фарғона	100,9	103,4	106,2
Хоразм	101,0	103,5	106,4
Тошкент ш.	100,4	103,2	106,5

III. Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий гуруҳлардаги ИНИ

2026 йилнинг июнь ойида товарлар учун қисқа муддатли ИНИ **100,2 %**ни (2025 йил июнь ойида **99,5 %**), йил бошидан буён **103,0 %**ни (2025 йилнинг январь-июнида **102,3 %**) ва йиллик нисбатда **106,2 %**ни (2025 йил июнь ойида **106,6 %**) ташкил этди.


Озиқ-овқат маҳсулотлари учун ИНИ ой давомида **98,6 %** (2025 йил июнь ойида **98,9 %**), 2026 йил бошидан буён **102,4 %** (2025 йилнинг январь-июнида **101,7 %**) ва йиллик нисбатда **106,3 %** (2025 йилнинг июнь ойида **106,0 %**) даражасида қайд этилди.

Нооziқ-овқат маҳсулотлар учун ИНИ **102,3 %** (2025 йил июнь ойида **100,2 %**), йил бошидан **103,9 %** (2025 йилнинг январь-июнида **103,1 %**) ва йиллик нисбатда **105,9 %** (2025 йилнинг июнь ойида **107,5 %**)ни ташкил этди.

Хизматлар бўйича ойлик кўрсаткич **101,8 %** (2025 йил июнь ойида **100,8 %**), йил бошидан **104,1 %** (2025 йилнинг январь-июнида **110,7 %**) ва йиллик нисбатда **107,1 %** (2025 йилнинг июнь ойида **115,8 %**) кўрсаткичга эга бўлди.

Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ динамикаси, ўсиш (пасайиш) суръати %да


ўтган ойга нисбатан



ўтган йилнинг декабрига
нисбатан



ўтган йилнинг мос
ойига нисбатан



IV. Йиғма ИНИ ўзгаришига МИИТ – 2018 бўлимларининг таъсир тузилмаси

2026 йилнинг июнь ойида қисқа муддатли йиғма кўрсаткичнинг ўсишига “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари” ва “Транспорт” юқори таъсир кўрсатиб, ИНИ кўрсаткичини оширди (умумий ҳисобда **+1,13 ф.д.**). “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” бўлимида нархларнинг ўзгариши ушлаб турувчи омил бўлиб, ой давомида йиғма кўрсаткичнинг **0,61 ф.д.**га пасайишини таъминлади. Қолган бўлимларнинг таъсири сезиларли бўлмади (умумий ҳисобда **+0,09 ф.д.**).

МИИТ – 2018 бўлимларининг 2026 йил июнь ойида йиғма ИНИ ўзгаришига таъсири, ф.д.

ўтган ойга нисбатан

I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	-0,61
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	0,00
III. Кийимлар ва пойабзаллар	0,02
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	0,89
V. Уй-рўзгор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	0,01
VI. Соғлиқни сақлаш	0,01
VII. Транспорт	0,24
VIII. Ахборот ва алоқа	0,01
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	0,01
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	0,00
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	0,01
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	0,00
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	0,02

Жами таъсири

+0,61 ф.д.

ўтган йилнинг декабрига нисбатан

I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	0,90
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	0,02
III. Кийимлар ва пойабзаллар	0,16
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	1,10
V. Уй-рўзгор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	0,11
VI. Соғлиқни сақлаш	0,11
VII. Транспорт	0,40
VIII. Ахборот ва алоқа	0,05
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	0,05
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	0,01
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	0,09
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	0,12
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	0,20

Жами таъсири

+3,32 ф.д.

2026 йилнинг январь–июнь ойларида йиғма ИНИ ўсишига “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари” ҳамда “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” бўлимларидаги нархлар ўзгариши энг катта ҳисса қўшди (умумий ҳисобда **+2,00 ф.д.** ёки умумий таъсирнинг **60,2 %**). Бошқа бўлимларнинг жами ҳиссаси **+1,32 ф.д.**ни ташкил этди.

V. Геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ (таҳлилий мақсадлар учун)

2026 йил январь ойидан бошлаб Миллий статистика қўмитаси геометрик Янг формуласи асосида қўшимча ИНИни шакллантириб келмоқда. **Мазкур индекс фақат таҳлилий мақсадларда қўлланилади ва юқорида эълон қилинган асосий ИНИнинг ўрнини босмайди ёки унга муқобил ҳисобланмайди** (батафсил маълумот “Услубий маълумотлар” бўлимининг VI бандида келтирилган).

2026 йил июнь ойида геометрик Янг формуласи бўйича ойлик ИНИ **100,2 %**ни, 2025 йил декабрига нисбатан **102,5 %**ни ташкил этди.

2026 йил июнь ойи учун геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ, %да (ТАҲЛИЛИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН)

Бўлим номи		2026 йилнинг майига нисбатан	2025 йилнинг декабрига нисбатан
I.	Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	97,9	100,8
II.	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	100,4	103,6
III.	Кийимлар ва пойабзаллар	100,2	101,5
IV.	Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	106,6	108,3
V.	Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	100,2	101,8
VI.	Соғлиқни сақлаш	100,2	102,1
VII.	Транспорт	102,3	103,8
VIII.	Ахборот ва алоқа	100,3	101,6
IX.	Дам олиш, спорт ва маданият	100,3	101,8
X.	Таълим соҳасидаги хизматлар	100,0	100,4
XI.	Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	100,5	104,6
XII.	Суғурталаш ва молиявий хизматлар	101,0	124,5
XIII.	Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	100,4	103,9

VI. Услубий маълумотлар

2026 йил январидан бошлаб Истеъмол нархлари индексининг ойлик ҳисоб-китоби **517** та товар ва хизмат турига (2025 йилда – 510 та) асосланади, шундан **419** таси товар ва **98** таси хизматлардир.

Кузатувда **2 млндан ортиқ** нарх котиировкалари қамраб олинган.

ИНИ ҳисоб-китоблари (1) салмоқ вазнларини шакллантиришга хизмат қиладиган аҳоли харажатларининг тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар (уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари) ва (2) истеъмол нархлари ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Нархлар тўғрисидаги маълумотлар Нукус шаҳри, Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий, географик ўрнини ва истеъмол бозорининг товар ва хизматлар билан тўйинганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган шаҳар ва туман марказларидан тўпланади.

Товарлар ва хизматлар нархлари ва тарифлари кузатуви турғун савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ҳам, кўчма савдода ҳам (палатка, расталар в.б.) танланма асосида ўтказилади.

Ҳисоб-китобларда қуйидаги манбалардан олинган нарх ўзгариши ҳақидаги маълумотлар қўлланилади:

(1) СAPI¹ технологиясига асосланган маълумотлар (чакана савдо дўконларига ташриф буюриб нархларни рўйхатдан ўтказиш);

(2) маъмурий транзакцион маълумотлар (солиқ органлари маълумотлар базасидан онлайн-касса машиналари чек маълумотлари);

(3) eStat² тизими орқали хизмат кўрсатувчи провайдерлардан ва чакана сотувчилардан олинган маълумотлар (API³ /Excel форматида);

(4) web scraping⁴ технологиясига асосланган ва турли хил онлайн манбалар (веб-сайт маълумотлари)дан олинган нархлар;

(5) CATI⁵ технологиясига асосланган маълумотлар (телефон орқали сўровномалар).

Нархларни йиғиш ҳар ойнинг 1-санасидан 25-санасигача бўлган даврда амалга оширилади. Нархларни тўплашнинг ҳар бир усули ва манбаси учун алоҳида график белгиланган бўлиб, у халқаро стандартлар тавсиялари асосида тайёрланган ва 2026 йил январь ойидан жорий этилган янгиланган методикада мустаҳкамлаб қўйилган.

ХВЖ экспертлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасига модификацияланган арифметик Янг формуласини жорий этиш қисқа муддатли истиқболда тавсия этилган.

Таҳлилий мақсадлар ва республикадаги инфляцион жараёнларни комплекс баҳолаш учун 2026 йил январдан бошлаб **геометрик Янг формуласининг муқобил вариантдан фойдаланиб, қўшимча нарх индексини шакллантириш бошланди**. Ушбу ҳисоб-китоблар натижалари доимо “Таҳлилий мақсадлар учун” деган белги билан эълон қилиб борилади.

Модификацияланган арифметик Янг формуласи асосида шаклланган ИНИ истеъмол секторидаги инфляциянинг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Геометрик Янг формуласи бўйича ҳисобланган ИНИ эса таҳлил мақсадлари учун қўшимча кўрсаткич сифатида қўлланилади.

ХВЖ мутахассислари томонидан ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасига геометрик Янг формуласини жорий этиш тавсия этилган.

Методологияга киритилган ва 2026 йил январь ойидан кучга кирган ўзгартиришлар **“Ўзбекистон Республикасида нарх индексларини шакллантириш методологиясидаги асосий ўзгаришлар тўғрисида”** ги пресс-релизда батафсил ёритилган.

VII. Фойдали ҳаволалар

[Истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом](#)

[Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи \(ЎР МИИТ – 2018\)](#)

[Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: концепция ва услубият \(2020\)](#)

Чоп этиш учун масъул:
Нархлар статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел: +998 71 203-80-00 (1100, 1101)



¹ CAPI (Computer Assisted Personal Interviewing) – нархлар статистикасида бу маълумот тўплаш усули бўлиб, унда регистраторлар савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига бевосита бориб, нархларни қоғоз анкета ўрнига планшет орқали қайд этадилар.

² Ўзбекистонда статистик ҳисоботларни электрон шаклда йиғишга мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими.

³ API (Application Programming Interface) – бу турли дастурлар ўзаро мулоқот қилиши ва маълумот алмашишига имкон берувчи дастурий интерфейс, қоидалар, буйруқлар ва воситалар мажмуасидир.

⁴ Веб-ресурс саҳифаларидан маълумотларни автоматлаштирилган тарзда ажратиб/йиғиб олиш технологияси.

⁵ CATI (Computer Assisted Telephone Interviewing) – бу компьютер ёрдамида телефон орқали интервью ўтказишга асосланган маълумот тўплаш усули.